КОРХОНАЛАРДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ёдгоров Хушвакт Мансурович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
yodgorovkhushvaqt@gmail.com

Аннотация. *Мақолада дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини юритиш, асосий дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, дори воситаларини тайёрлаш, дори воситаларини бирламчи ва иккиламчи қадоқлаш жараёнларини бухгалтерия ҳисобини юритишнинг зарурияти очиб берилган.*

Калит сўзлар: *дори воситалари саноати корхоналари, фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари, асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, дори воситаларини бирламчи қадоқлаш жараёни, дори воситаларини иккиламчи қадоқлаш жараёни, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби.*

Аннотация. *В статье раскрывается необходимость учета основных производственных процессов на фармацевтических предприятиях, особенности реализации основных фармацевтических производственных процессов, в частности, необходимость ведения учета процессов приготовления лекарственных препаратов, первичной и вторичной упаковки лекарственных препаратов.*

Ключевые слова: *предприятия фармацевтической промышленности, фармацевтическая продукция, лекарственные препараты, основное производство, вспомогательное производство, первичная упаковка лекарственных препаратов, вторичная упаковка лекарственных препаратов, учет процессов производства лекарственных препаратов.*

Abstract. *The article reveals the need for accounting for the main production processes at pharmaceutical enterprises, the specific features of the implementation of the main pharmaceutical production processes, in particular, the need to maintain accounting for the processes of preparation of pharmaceuticals, primary and secondary packaging of pharmaceuticals.*

Keywords: *drug industry enterprises, pharmaceutical products, drugs, main production, auxiliary production, primary packaging process of drugs, secondary packaging process of drugs, accounting of drug production processes.*

Ўзбекистон Республикасида янги қабул қилинган “Мамлакат тараққиётининг 2030-йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжатида мамлакатда дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти саноатнинг “драйвер” тармоғи деб эътироф этилган бўлиб, унда “дори воситаларига эҳтиёжни 70 фоизга ички ишлаб чиқарувчилар ҳисобига қоплаш”[34] каби муҳим вазифалар белгиланган. Демак, корхоналарда ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш орқали маҳаллий маҳсулотлар, жумладан маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш бугунги кунда мамлакат саноатини ривожлантиришнинг энг асосий йўналиши ҳисобланади, деб айтиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган эътибор натижасида мамлакат ичида дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари ва уларга мос равишда дори маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга тез суръатларда ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхоналар томонидан амалга оширилиб келинаётган дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро тажрибаларга мос равишда ташкил этиш, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ушбу жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш орқали бошқарув самарадорлигига эришиш, бунда дори воситалари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш соҳа олдидаги энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқот ишида дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадида корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича изланишлар олиб борилди.

Д.Г.Худайназарова томонидан фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнларини ташкил этиш, хусусан ишлаб чиқариш жараёнларини тўртта босқичдан иборат занжир асосида ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш

[34] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030-йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2026-йил 16-феврал. ПФ-21-сон.

жараёнлари бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган[35].

Б.Ф.Боронов қуйидаги фикрларни илгари суради: “ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни турли хил цехларда босқичма-босқич амалга оширилади, яъни бўлимларда ишлаб чиқарилган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар асосий омбор орқали бўлимларга келиб тушади”[36].

Шунингдек, Ш.Онорбоев қуйидагича изоҳлайди: “кимё саноатига ишлаб чиқариш жараёнлари бошқа тармоқларга нисбатан механизациялашганлиги, ишлаб чиқариш харажатларинитаркибида меҳнат харажатларининг камлиги, материал ва энергия сарфларининг юқорилиги хосдир”[37].

Юқорида олимлар томонидан келтирилган илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари бир-биридан фарқ қилади. Айрим турдаги маҳсулотлар биринчи ишлаб чиқариш жараёнидан кейин тўлиқ тайёр маҳсулотга айланса, бошқа турдаги саноат маҳсулотлари иккинчи, учинчи ёки бир неча босқичлардан кейингина тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ва сотишга мўлжалланган бўлади. Тадқиқот ишимизда аниқ бўлдики, дори воситалари ишлаб чиқариш манашундай ўзига хос ишлаб чиқариш технологияси асосида ташкил этиладиган жараёнлардан бири ҳисобланади. Корхоналарда ***дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари*** ўз навбатида 2 та ишлаб чиқариш босқичлари натижасида амалга оширилади: 5 та жараёндан иборат *ёрдамчи ишлаб чиқариш босқичи* ҳамда 3 та жараёндан иборат *асосий ишлаб чиқариш босқичи*ни ўз ичига қамраб олади. Зотан, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида амалга ошириладиган мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари “GMP” талабларига мувофиқ ҳисобланиб, ушбу саноат тармоғи корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини ташкил этади. Зотан, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари мазкур ҳужжатда келтирилган тартиб-қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга оширишлари нормати-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган.

[35] Xudaynazarova D.G. Farmasevtika korxonalarida biznes jarayonlari hisobini tashkil etishning dolzarb masalalari. // Symposium on advanced studies and future directions. International multidisciplinary research conference. – Barcelona, 2025. – 92-100-betlar.

[36] Боронов Б.Ф. Ёғ-мой саноати корхоналарида харажатлар таркиби ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш. // Молия. – Тошкент, 2022. - № 5. – 61-67-бетлар.

[37] Onorboev Sh. Kimyo sanoati korxonalarida xarajatlar va ularni tashkil etish xususiyatlari // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2026 yil, may. 114-125-betlar.

Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаб ва ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, қуйидаги хулосаларга келишимизга олиб келди:

Биринчидан, бугунги кунда, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини илғор тажрибаларга мослаштириш орқали мамлакатда дори воситалари экспортини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида эса, дори воситалари саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро даражада тан олинган тартиблар бўйича ташкил этиш орқали сифатли дори воситалари ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳисобланиб, бунда 2027 йил 1 январдан бошлаб “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” миллий сертификатига эга бўлишлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган[38]. Шунинг учун, мамлакатимизда дори воситалари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир хўжалик юритувчи субъект корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини юқорида қайд этилган тартиб-қоидаларга мувофиқ ҳолда ташкил этишлари лозим. Мазкур тадқиқот ишида биз томонимиздан юқорида расм кўринишида келтирилган дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари технологияси айнан мазкур тартибларга тўлиқ мос келади.

Иккинчидан, расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари даставвал ёрдамчи хўжаликларнинг фаолияти билан бошланади. Бунда, таъминот натижасида марказий омборхонага келиб тушган хом ашё ва материаллар 5 та бўлимдан иборат бўлган ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларига топширилади. Ушбу босқичда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жараёни натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида ярим тайёр маҳсулот сифатида марказий омборхонага қайта топширилади ҳамда кейинги ишлаб чиқариш босқичлари учун сақланади.

Учинчидан, ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжалиги таркибидаги рақамли маркировка штрих-коди тайёрлаш цехи дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 майдаги “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[39]ги Қарори,

[38] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2025 йил 19 август. ПФ-137-сон.
[39] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2025 йил 23 май. ПҚ-190.

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 23 январдаги “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[40] ҳамда 2021 йил 20 майдаги “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”[41]ги Қарорлар каби норматив ҳужжатларда келтирилган дори воситаларини мажбурий рақамли маркирокалаш мақсадида ташкил этилган. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида ёрдамчи ишлаб чиқариш босқичи таркибида фақатгина, рақамли маркировка штрих-коди тайёрлаш цехи жараёнлари бошқа цехлар ишлаб чиқариш технологияларидан фарқ қилади. Чунки, ушбу цехда ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар бошқа цехлар каби марказий омборхонага топширилмайди, балки тўғридан-тўғри асосий ишлаб чиқариш босқичига топширилади. Бунда, корхонада ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг турига қараб бирламчи қадоқлаш цехи ёки иккиламчи қадоқлаш цехига қайта ишлаш жараёнига топширилади. Бу каби ишлаб чиқариш технологиялари мазкур тармоқ корхоналарининг яна бир ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Тўртинчидан, ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари тугаб, марказий омбор хом ашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи материаллар билан таъминлангандан кейин дори воситалари саноати корхоналарида асосий ишлаб чиқариш цехлари ўз фаолиятларини бошлайди. Бу босқич даставвал, дори воситаларини тайёрлаш цехида амалга оширилади ва ушбу жараён натижасида дастлабки дори воситалари ишлаб чиқарилади. Бироқ, дори воситалари қадоқланиши лозим бўлган маҳсулотлар таркибига кирганлиги боис, ушбу цехда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар корхонада ярим тайёр маҳсулотлар сифатида бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинади.

Бешинчидан, асосий ишлаб чиқариш босқичининг навбатдаги жараёнлари бирламчи қадоқлаш цехида юз бериб, корхонада мазкур цех биринчи жараёнда ишлаб чиқарилган дори воситаларини бирламчи қадоқлаш вазифасини бажаради. Мазкур цехда ишлаб чиқариш жараёнидан ўтган дори воситалари яна бир маротаба ярим тайёр маҳсулот сифатида “карантинда сақлаш омборхонаси”га топширилади.

[40] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2026 йил 23 январь. 23-сон

[41] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 20 май. 322-сон.

Олтинчидан, асосий ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида корхонада 2 хил турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилади. Биринчи турдаги дори воситалари карантинда сақлаш омборхонасидан сўнг тўғридан-тўғри “тайёр дори воситалари омборхонаси”га топширилади ҳамда бухгалтерия ҳисобида бирламчи қадоқланадиган дори воситалари – тайёр маҳсулот сифатида эътироф этилади.

Еттинчидан, иккинчи турдаги дори воситалари эса, асосий ишлаб чиқариш босқичига қайта юборилади ва иккиламчи қадоқлаш цехида ишлаб чиқариш жараёнларга иштирок этади. Дори воситалари асосий ишлаб чиқариш босқичининг сўнгги жараёнидан ўтгандан кейин худди бирламчи қадоқланадиган дори воситалари каби “тайёр дори воситалари омборхонаси”га тайёр маҳсулотлар сифатида топширилади. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида барча турдаги дори воситалари, бирламчи ҳамда иккиламчи қадоқланадиган дори воситалари айнан манашу омборхонадан харидорларга сотилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030-йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2026-йил 16-феврал. ПФ-21-сон.

2. Xudaynazarova D. G. Farmasevtika korxonalarida biznes jarayonlari hisobini tashkil etishning dolzarb masalalari // Symposium on Advanced Studies and Future Directions. International Multidisciplinary Research Conference. — Barcelona, 2025. — B. 92–100.

3. Боронов Б. Ф. Ёғ-мой саноати корхоналарида харажатлар таркиби ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш // Молия. — Тошкент, 2022. — № 5. — Б. 61–67.

4. Onorboev Sh. Kimyo sanoati korxonalarida xarajatlar va ularni tashkil etish xususiyatlari // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. — 2026. — May. — B. 114–125.

5. Боронов Б. Ф. Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент: ТМИ, 2023. — 244 б.

6. Уразов К. Б., Боронов Б. Ф. Республика озиқ-овқат саноатида ёғ-мой маҳсулотларининг аҳамияти ва турлари // Экономика и социум. — 2022. — № 6-2 (97). — Б. 714–719.

7. Боронов Б. Ф. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш // ISSN 2181-3191. — 2022. — Vol. 1, Issue 7. — B. 202284.

8. Boronov B. F., Xudaynazarova D. G., Yodgorov X. M. Farmasevtika korxonalarida buxgalteriya hisobining o‘ziga xos xususiyatlari // Frontiers of Knowledge and Interdisciplinary Discovery. — 2025. — Vol. 1, № 1. — B. 282–289.